

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «2» 6

2022-1386-7-99-ТВ-

сон

Нуробод ш.

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Нуробод тумани Тиббиёт бирлашмаси номидан А.Абиев бир томондан ва бундан буён “ПУДРАТЧИ” деб аталувчи “ТЕМУРМАЛИК СТРОЙ” МЧЖ номидан Ф.Э.Зокиров, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича “Буюртмачи” пудрат ишларини қабул қилиш ва тўлаш, “Пудратчи” эса буюрмачининг буюртмаси бўйича қуйидаги пудрат ишларини бажариш мажбуриятини олади.

№	Ишнинг номи	Шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан (битим суммаси)
1	26,05,2022-йилдаги №89448-сонли лотга асосан Тиббиёт бирлашмага қарашли КТМП биносини жорий таъмирлаш	380000000
	Жами:	380000000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **380000000 (Уч юз саксон миллион)** сўмни ташкил қилади

1.3. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: «01»июн2022 й. Тугаши: «30»июль2022 й.

Батафсил баёни

1	Нуксон далолатнома, смета хужжатларига асосан КТМП биносини жорий таъмирлаш
---	---

Алоҳида шартлар

1	Бажариладиган ишлари сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилиши шарт, бажарилган иш мутахасислар томонидан текшириб олинади
---	--

2. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни жорий таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, бажарилган ишлар далолатномаси Форма-2 асосида тўлайди.

2.2. Шартнома нархи электрон савдо натижаси бўйича белгиланади ва ўзгартирилмайди, Шартномага қўшимча келишув тузиладиган ҳоллар бундан мустасно.

2.3. Ишлар яқунлангандан кейин “Хизмат курсатувчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.

2.4. “Буюртмачи” далолатнома ва унга илова қилинган бошқа хужжатларни олгандан кейин 10 банк иш куни ичида имзоланган далолатномани ёки ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиш хатини “Хизмат курсатувчи”га юбориш мажбуриятини олади.

2.5. Рад қилинган ҳолатда, ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиниши юзасидан камчиликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича тамонлар ўртасида далолатнома тузилади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда шартнома талаблари ва шартларига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Шартнома шартларини бажарилишини бир томонлама рад қилиш ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Тамонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижроси таъминланган тақдирда

Шартнома бажарилган ҳисобланади.

Кўриб чиққан юрист: SHOROPOV SHODIYOR SHODMONOVICH. Хужжат рақами: U07602413105

3.4. Буюртмачининг розилиги билан пудрат ишлари муддатидан олдин бажарилиши мумкин.

3.5. Хизмат ишлари бевосита Буюртмачининг маъсул ходимлари томонидан ишлар хажми ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги,

- савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан шартнома тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан Шартнома тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги Шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Ишлар бажарилмаган ёки тўлиқ бажарилмаган ҳолларда пудратчи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди бироқ бунда пенянинг умумий сўммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажармаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишдан озод этмайди.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи хизмат курсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди

Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат курсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Хизмат курсатувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар бажарилган ишлар сифати, стандартлар, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар бажарганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ўзаро ҳал этишнинг имкони бўлмаганда Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодекси ҳамда "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий баъзаси тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ бевосита иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир

5.3. Томонлар иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чикса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февридаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида"ги қароридан кўзда

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: PL62653403
тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ
бажарилишидан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон
Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

7.2. Мазкур шартномага 1-сонли спецификация илова қилинади ҳамда шартноманинг
ажралмас қисми ҳисобланади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб
кучга киради ва 2022 й. "31" декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа
томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан
аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг
бажарилишини таъминлаган ҳолларда Шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод
қилмайди

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

«TEMURMALIK STROY» МЧЖ

«Буюртмачи»

Нуробод туман Тиббиёт бирлашмаси

Манзил: Пастдаргом туман Жума шаҳри

Манзил Самарканд вил. Нуробод тумани

Тел./факс +99890-287-90-80
х/в 20208000800265849001
Банк номи: «МИКРОКРЕДИТБАНК»
АТБ Жума филиали
МФО:01047 СТИР 200777809
ОКОНХ:

Тел.факс 66-240-22-00
х/в 401722860182357073101054001
Банк номи: Марказий Банк ХККМ Тошкент ш.
МФО 00014 СТИР 200777809
ОКОНХ 91511

Рахбар



Э.Э. Зокиров

м.у

Рахбар



А.Я.Абиев

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY

X U L O S A

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi: "TEMURMALIK STROY" ma'suliyati cheklangan jamiyati o'rtasida tuzilgan **380 000 000 so'mlik** pudrat shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Nurobod tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan 30.05.2022 yilda tuman YuXKMga huquqiy ekspertiza xulosasi olishlik uchun kiritilgan..

Loyiha amaldagi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi tugrisida"gi Qonuniga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil 01 iyun

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi

Bosh yuriskonsulti



Sh.Shoropov